



Қуръонни баланд товушда ўқиган одам, ошкора садақа қилган одамга ўхшайди. Қуръонни паст товушда ўқиган одам, садақани пинҳона қилган одамга ўхшайди

Уқба ибн Омир Жуханий разияллоҳу анхудан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганлари ривоят қилинади: «Қуръонни баланд товушда ўқиган одам, ошкора садақа қилган одамга ўхшайди. Қуръонни паст товушда ўқиган одам, садақани пинҳона қилган одамга ўхшайди».

[Саҳиҳ] [Абу Довуд, Термизий ва Насоий ривояти]

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Қуръонни баланд ўқиган одам садақани ошкора берган одамга, Қуръонни паст товушда ўқиган одам эса, садақани пинҳон берган одамга ўхшашини баён қилдилар.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/65055>

